



Кадимги маълумотларга кўра, Куддус дастлаб Салем номли кичик кишлок бўлиб, унда фаластинликларнинг аجدодлари бўлган ханаанлар яшаган. Ханааннинг буюк хукмдори бу кишлокни шахарга айлантирди ва уни Куддус деб атади. У ерда ибодатхона ҳам курдирди. Бу ҳақда 1-аср тарихчиси Иосиф Флавийнинг "Яхудийлар уруши" китобида айтилган: «Куддус шахрини курган одам ханаанлар орасида кучли одам эди. Уларнинг тилида уни Мелхиседек, яъни солих подшоҳ деб аташган, чунки у шундай эди. У биринчи рухоний бўлган ва у ерда биринчи ибодатхона курган ва бундан олдин Салем деб аталган шахарни Куддус деб атаган».

Библияга кўра, Мелхиседек милоддан аввалги 1800 йилларда яшаган пайгамбар Иброҳим алайҳиссаломнинг замондоши бўлган, шунинг учун Куддус, маъбад билан бирга, ханаанлар шахри сифатида тахминан 3800 йил олдин ханаан шоҳи томонидан қурилган деб ҳисобланади.

Милоддан аввалги 1600 йилдан 1300 йилгача шахар Миср ҳукмронлиги остида эди, лекин фиръавнларга солиқ тўлайдиган ханаан ҳукмдорлари кўлида қолди. Бу даврда шахарга тез-тез ҳапиру ёки ҳабиру деб номланувчи халқ ҳужум қилган. Улар, эҳтимол, Библияда замонавий яхудийларнинг аجدодлари сифатида тасвирланган кадимги яхудийлар эди.

1897 йилда Амарна архиви (Тел ел-Амарна архиви) деб номланувчи кадимги Миср ёзувлари топилди. Улар орасида милодда аввалги 14-аср фиръавни билан Урасалимнинг (Куддус) ханаанлик ҳукмдори Абди-Хеба ўртасида ёзишмалар топилган, бунда Абди-Хеба Мисрлик ҳукмдоридан ҳабиру босқинларидан ҳимоя қилишда ёрдам сўрайди.

Мисрликлар ва ханаанлар ахлокий бузилиш, сەхр ва бутпарастлик туфайли жуда заифлашганди. Ҳабиру Шимолий Ханаан ёки Фаластинда қарор топишга муваффақ бўлди. Ўша пайтда Мисрда қул бўлиб яшаган яхудийлар орасида пайгамбар Мусо

алайхиссалом пайдо бўлди. Мусо алайхиссалом яхудийларни Мисрдан олиб чиқди ва ундан кейин Хорун ва Иешуа уларни Шимолий Ханаанга олиб борди, у ерда улар бошка яхудийларга кўшилиб, бойликлари ва эркинликларини бўлишди.

Кўп сонли келишмовчиликлар, бутпарастлик ва ахлоксиз ишларга карамай, Мусо алайхиссаломнинг урф-одатлари барҳаёт бўлиб, улар орасида вақти-вақти билан пайгамбарлар пайдо бўлган. Бундай кишилар орасида подшоҳ Довуд алайхиссалом ва унинг машхур ўғли Сулаймон алайхиссалом ҳам бор эди.

Айнан шох Довуд хукмронлиги даврида яхудийлар бутун Ханаан юртида кучли шохлик ўрнатишга муваффақ бўлишди. Ва кейин (милоддан аввалги 1000-йилларда) Куддус биринчи бор яхудийлар шахрига айланди ва Довуд алайхиссалом уни пойтахт деб эълон қилди. Кейинчалик, Сулаймон алайхиссалом Мелхиседек томонидан қурилган ханаанликларнинг олдинги маъбадининг ўрнига яхудийлар ибодатхонасини қурдирди. Сулаймон алайхиссалом вафотидан кейин Куддусда тахминан тўрт аср давомида яхудийлар хукмронлиги давом этди ва бу даврда шахар вақти-вақти билан оссурияликлар, филистимлар, араблар, сурияликлар ва мисрликлар томонидан камал қилиниб, босиб олинди.

Исроил шохлигининг ўзи вассал давлатга айланди ва узок вақт давомида Оссурия, Миср ва Бобилга солиқ тўлади. Милоддан аввалги 587 йилда салтанат хукмдори Бобил хукмронлиги остида бўлган пайтда, яхудийлар исён кўтардилар ва бобилликларнинг уларга қарши куч ишлатишдан бошка иложи қолмади. Улар шохликни ва унинг пойтахти Куддусни вайрон қилишди, Сулаймон маъбадини ёқиб юборишди ва яхудийларнинг ўзларини қул қилишди. Қуръон қаримда бу ҳақда шундай дейилган:

«Китобда Бану Исроилга: «Ер юзида икки марта бузгунчилик қилурсизлар ва катта даражада баланд кетурсизлар», – деб билдирдик. Бас, ўша икки(бузгунчилик)дан биринчисининг ваъда вақти келганда, устингизга шиддатли куч-қудратга эга бандаларимизни юборамиз. Бас, ховли-жойлар оралаб изгидилар. Бу ваъданинг ижроси эди» (Исро, 4-5).

Тахминан эллик йил ўтгач, милоддан аввалги 538 йилда Форс императори Кир бобилликларни мағлуб этиб, Фаластин устидан назоратни қўлга киритди. У яхудийларга яхши муносабатда бўлди ва уларга Фаластинга қайтиб, маъбадни қайта қуришга рухсат берди - улар милоддан аввалги 515 йилда маъбадни қайта қуришди.

Ездра ва Неемия хукмронлиги даврида яхудийлар ўзларининг диний ва сиёсий ҳаётини қайта қурдилар ва қайта ташкил қилдилар ва бир муддат гуллаб-яшнадилар, бобилликлар еса форсларнинг қуллигида эди. Қуръонда бу воқеалар ҳақида шундай дейилган: «Сўнгра сизга улар устидан галабани қайтардик ва сизга молу дунё ва фарзандлар ила мадад бердик. Ва ададингизни кўп қилиб қўйдик» (Исро, 6).

Фаластин ва Куддус форслардан Буюк Александрга ўтган ва милоддан аввалги 332 йилдан бошлаб юнон хукмронлиги остида бўлган. Юнон хукмронлиги даврининг охири милоддан аввалги 167 йилга тўғри келди. Улар маъбадга бутлар қўйишни бошлаганди. Умуман олганда маърифатли бўлган юнонларнинг бу ақлсиз ҳаракати яхудийларнинг Маккавей кўзголони кўзгатди ва милоддан аввалги 164 йилда улар (яхудийлар) ҳукумат жиловини ўз қўлларига олдилар.

Шаҳарнинг яхудийлар хукмронлиги даври тахминан юз йил давом этди, шундан сўнг римликлар келиб, ўз назоратини ўрнатдилар - аввалига бутпарастлар, кейинрок насронийлар (Византия), иккинчи мусулмон халифаси Умар ибн ал-Хатаб шаҳарни фатҳ қилиб олгунига қадар.

Маккавейлар даврида яхудийлар жуда мағрур бўлишди. Бундан олдин уларда ўтмиш билан яшашга бўлган халокатли мойиллик ҳам пайдо бўлган. Уларнинг Рим хукмронлигига муносабати кўр-кўрона ва мағрур бўйсунди эди. Улар вазиятни олдиндан баҳоласдан, ўзларидан сезиларли даражада устун бўлган римликлардан ҳокимиятни тортиб олмокчи бўлган зедот ҳаракати каби ҳаракатларни келтириб чиқарди.

Яхудийлар ҳам инсонийликка, тинчликка, сабр-тоқатга, иймонга, муҳаббатга, ички покликка ўргатиш учун 30-йилларда Исо алайҳиссалом сиймосида ўз орасига зоҳир бўлган Аллохнинг элчисига нисбатан ўжарлик кўрсатдилар. Худо яна яхудийларни жазолади - бу сафар римликлар кўли билан. Милодий 70 йилда Веспасианнинг ўғли император Тит хукмронлиги даврида римликлар Куддусни эгаллаб олишди. Улар шаҳарни ва унинг маъбадини ер юзидан йўқ қилишди. Шафқатсиз қиргиндан кейин очарчилик юз берди, бу 200 дан 600 минггача аҳолининг ҳаётига зомин бўлди.

Кейинчалик римликлар Куддус ўрнида янги шаҳар - Элия Капитолина қурдилар. Ўлим ҳавфи остида яхудийларнинг унга кириши тақиқланди.

Қуръони қарим яхудийларнинг бу мағлубияти ва уларнинг пойтахти вайрон бўлиши ҳақида гапиради: «Агар яхшилик қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қиласиз. Агар ёмонлик қилсангиз ҳам, ўзингиз учундир. Бас, кейинги(бузғунчилик)нинг ваъда вақти келганда, юзингизни қора қилишлари учун, масжидга аввал қирганларидек қиршлари учун ва эгаллаган нарсаларини тамоман парчалашлари учун (бандаларимизни юборурмиз)» (Исро, 7).

Қадимги шаҳар ва унинг ибодатхонасидаги барча диний ўзгаришлар билан бир қаторда сиёсий раҳбариятда ҳам ўзгаришлар юз берди. Бир қатор - ҳақиқий ва ҳаёлий - диний туйғулар ва гоялар шаҳар ва маъбадни қамраб олган. Юзага чиққан энг муҳим гоялардан бири шу пайтгача фақат минтақавий аҳамиятга эга бўлган Куддус ва унинг ибодатхонаси бир кун қелиб бутун дунё учун муқаддас жойга айланиши ҳақидаги башорат эди. Бу башорат Библиянинг бир нечта қитобларида: Ишаё, Мило, Еремиё ва бошқалар пайғамбарларнинг қитобларида қайд этилган (масалан, Ишаё 56:7 ва 2:3).

Манба: justislam.co.uk
Абу Муслим тайёрлади